



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRINING BUYRUG'1

**Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинималари ҳузуридаги  
жамоатчилик кенгашлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш  
чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сон қарорига мувофиқ, ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини тизимли равишда амалга ошириш ва жамоатчилик билан ҳамжиҳатлик руҳида ишлашни таъминлаш мақсадида, буюраман:

1. Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинималари ҳузурида жамоатчилик асосида доимий фаолият юритувчи маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланган жамоатчилик кенгаши (кейинги ўринларда — Кенгаш) фаолияти йўлга қўйилсин.

2. Қуйидагилар:

Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинималари ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги низоом 1-иловага мувофиқ;

Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинималари ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши намунавий таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

Кенгаш аъзоллигига, қонда тариқасида, ички ишлар органларида намунали хизмат кўрсатган ходимлар, меҳнат фахрийлари ва соҳа олимлари, шунингдек жамоатчилик билан ишлаш соҳасида катта амалий тажрибага эга обрў-эътиборли фуқаролар, нодавлат ноτιжкорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари қабул қилинади;

Кенгаш таркибининг камида 50 фоизини нодавлат ноτιжкорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ташкил этади;

Кенгаш таркиби тегишлича Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси ва унинг ҳудудий бўлинималари билан келишилгандан сўнг 3 йил мuddатга тасдиқланади;

Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси ҳамда ҳудудий бўлинималари Кенгашнинг асосий ишчи органи ҳисобланиб, унинг фаолиятини ташкилий-услубий, ахборот ва бошқа жиҳатлардан таъминлайди.

4. Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси (Ш. Гиясов) Матнавий-матрифий ишлар хизмати (Х. Махсумов) билан ҳамкорликда:

икки ҳафталик муддатда Кенгашга аъзо бўлиш истагида бўлган номзодлар тўғрисидаги маълумотларни нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига сўров хати юбориш орқали жамлаб, тегишли тартибда ўрганиб чиқилсин;

бир ойлик муддатда мазкур буйруқ талаблари асосида Вазирлик ҳузуридаги Кенгаш таркибини тасдиқлаш бўйича тегишли фармойиш лойиҳаси тақдим этилсин;

ҳар йиллик фаолият яқунларига асосан Кенгашнинг фаол ва ташаббускор аъзоларини рағбатлантириш бўйича таклифлар киритиш амалиёти йўлга қўйилсин;

ички ишлар органлари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назорати механизмларини жорий қилиш, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқиндан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар доимий равишда оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда ёритиб борилсин.

5. Бир ойлик муддатда мазкур буйруқ талаблари асосида Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар бошқармалари ҳузурида ҳудудий Кенгашлар фаолияти йўлга қўйилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2021 йил 16 ноябрдаги 442-сон "Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур буйруқ ижросини таъминлаш Ички ишлар вазирлигининг таркибий ва ҳудудий бўлималари бошлиқларига, умумий назорат Вазир ўринбосари, генерал-майор А.И. Икрамов зиммасига юклатилсин.

Вазир  
генерал-лейтенант



П.Р. Бобожонов

Тошкент шаҳри,  
2023 йил "14" июль  
122-сон

**Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлиналари ҳузуридаги  
жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қондалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) ва унинг ҳудудий бўлиналари ҳузурида ташкил этиладиган жамоатчилик кенгаши (кейинги ўринларда – Кенгаш)нинг асосий вазибалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолият юритиш тартиби ҳамда ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг ўзига хос жиҳатларини белгилайди.

2. Кенгаш ўз фаолиятини жамоатчилик асосида олиб борадиган доимий фаолият юритувчи маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланади.

3. Кенгаш ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонулари, Олий Мажлис палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, Ички ишлар вазирининг буйруқ ва қарорлари, ушбу Низом ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилади.

4. Мазкур Низом ва унга киритиладиган ўзгартириш ҳамда қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг буйруғи билан тасдиқланади.

**2-боб. Кенгашнинг асосий вазибалари, функциялари,  
ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

**5. Кенгашнинг асосий вазибалари:**

ички ишлар органлари фаолиятида қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, соҳа бўйича ижтимоий фикрни ўрганиш ва тизимли мониторинг олиб бориш;

ички ишлар органлари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида ижтимоий фикр ва жамият манфаатлари ҳисобга олинишини таъминлаш чораларини кўриш;

ички ишлар органлари фаолиятидаги коррупция ҳолатлари бўйича интернет ва ижтимоий тармоқларда эълон қилинган хабарларни батафсил ўрганиш ҳамда уларнинг натижаларини кенг жамоатчиликка етказиш;

ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида, таркибий ва ҳудудий бўлиналарда соғлом маънавий-руҳий муҳитни, қонунийлик, юқори ҳуқуқий маданият ва маънавий-ахлоқий сифатларни таъминлашга оид тақриф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш;

ички ишлар органлари фаолияти ҳақида оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда ахборот бериб бориш;

ички ишлар органлари фаолиятига оид қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳамда идоровий ҳужжатларда, шунингдек, давлат, тармоқ ва ҳудудий ривожлантириш дастурларида жамоатчилик манфаатлари ва жамоатчилик фикри ҳисобга олиниши, фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қонун ҳужжатлари талаблари ижросини таъминлаш, ички ишлар органлари зиммасига юкланган ҳамда ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахл қилувчи вазифалар, функцияларни бажариш, давлат хизматларини кўрсатиш, ижтимоий шериклик доирасида амалга оширилаётган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни рўйга чиқариш бўйича тизим фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

ички ишлар органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, шунингдек фуқаролар билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш;

ички ишлар органларига нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан келиб тушган ижтимоий, сиёсий ва бошқа жиҳатлардан аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга оширилишига ва натижаларини жамоатчилик нуқтан назаридан таҳлил қилишга кўмаклашиш;

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи энг муҳим масалалар юзасидан ички ишлар органларининг фаолияти ҳақидаги жамоатчилик фикрини тизимли мониторинг қилиш ва ҳар томонлама таҳлил қилиш, ижтимоий сўровлар ўтказиш, бунда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш;

ички ишлар органлари фаолиятида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш, уларни амалга оширишда иштирок этиш, коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилган ишлар устидан мониторинг ва таҳлиллар ўтказиб, уларнинг натижалари бўйича таклифлар тайёрлаш;

ички ишлар органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, фаолиятни ислоҳ қилишда фуқаролар иштирок этиши учун яратилган шарт-шароитларни ўрганиш, бу бўйича амалга оширилаётган тадбирларни мониторинг қилиш, фаолият тўғрисида батафсил ахборот олиш имкониятларини таҳлил қилиш, уларни янада кенгайтириш ва яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ички ишлар органлари фаолияти бўйича фуқаролар ўртасида ўтказилаётган тушунтириш ишлари ва маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этиш, уларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчилари, Вазирлик таълим муассасалари курсант ва тингловчилари (кейинги ўринларда – ходимлар), уларнинг оила аъзоларини уй-жой, ижтимоий-маънавий, хизмат шарт-шароитларини, уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш шароитларини, шунингдек, ички ишлар органлари пенсионерлари ва ҳаракатдаги захирага олинган ходимларни ижтимоий мослаштириш бўйича муаммоларни комплекс таҳлил қилиш ҳамда яқунлари бўйича шарт-шароитларни яхшилаш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

ички ишлар органлари фаолиятига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва идоровий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда белгиланган тартибда иштирок этиб, уларнинг жамоатчилик томонидан кенг муҳокама қилинишига кўмаклашиш.

6. Кенгаш асосий вазифаларига мувофиқ, қуйидаги функцияларни амалга оширади:

фуқаролар, подавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларининг ички ишлар органлари фаолиятига оид давлат сиёсати бўйича танаббуе ва мурожаатларини кўриб чиқишда иштирак этади, уларни амалга ошириш учун тегишли таклиф ва тавсиялар тайёрлайди;

ички ишлар органлари билан фуқаролар, подавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтларининг самарали шакл ҳамда усулларда ўзаро ҳамкорлиги таҳлилни амалга оширади, шунингдек, уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

ходимларнинг ижтимоий, сиёсий-ҳуқуқий, психологик, маънавий-маърифий савиясини юксалтириш ва бу борала илмий-маърифий ҳамда ўқув адабиётлари яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

ички ишлар органлари фаолиятига оид мавжуд муаммоларни ҳал қилиш ҳамда камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

ходимлар ва уларнинг онла аъзолари ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига риод этилишини таҳлилий ўрганади;

ходимлар ва уларнинг онла аъзоларини ижтимоий ҳамда ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасидаги мавжуд имкониятлар бўйича шахсий таркиб ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этади;

ўз мақсад ва вазифаларини амалга оширишда подавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳамда фуқаролар билан ҳамкорлик қилади.

#### 7. Кенгаш зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун:

ички ишлар органлари фаолиятида қонунчилик ҳужжатлари талабларига риод этилиши юзасидан ўтказиладиган текширувларда иштирак этиш ёки текширувларга оид материаллар билан танишиб чиқиш, бундан махфийлик тартиботи билан боғлиқ тезкор-қидирув, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнидаги ишлар ҳамда материаллар мустаном;

ички ишлар органлари томонидан ташкил этиладиган очиқ ҳайъат мажлислари ва бошқа оммавий тадбирлар тўғрисидаги ахборотни олдидан олиш ҳамда мазкур тадбирларда иштирак этиш;

ички ишлар органларидан ўз вазифалари доирасида жамоатчилик билан боғлиқ ҳужжатларни, статистик ва таҳлилий маълумотларни сўраб олиш, бундан махфийлик тартиботи билан боғлиқ маълумотлар ва хизмат даврида фойдаланиш учун мўлжалланган ҳужжатлар мустаном;

ички ишлар органлари ва тасарруфидаги ташкилотларнинг маъмурий бинолари (хоналари) ҳамда бошқа объектларини белгиланган тартибда бориб кўриш, уларда фаолият кўрсатаётган шахсий таркиб, шунингдек жазони ижро этиш муассасалари ва вақтинча сақлаш ҳибхоналарида сақланаётган шахслар билан уларнинг розилиги асосида мулоқотга киришиш;

ички ишлар органларининг жамоатчилик билан боғлиқ норма ислоҳкорлиги фаолиятида, шу жумладан Вазирлик томонидан ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ва идоравий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик ва экспертлар муҳокамасини таъминлашда иштирак этиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига ички ишлар органлари томонидан берилган жавобларнинг сифатини эркин таълол асосида таҳлил қилиш;

юклатилган вазифаларни бажариш учун конференциялар, форумлар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирларни ташкил этиш;

ваколатига тегишли масалаларни ҳал қилиш учун ички ишлар органлари ходимларидан иборат жамоатчилик комиссияларини ички ишлар органларининг тегишли хизматлари билан келиштирилган ҳолда ташкил этиш;

ички ишлар органлари ходимларининг розилиги билан уларнинг уй-жой, ижтимоий-маиший ва хизмат шарт-шароитлари билан танишиш;

Кенгаш ваколатига тегишли масалалар бўйича Вазирлик, унинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари раҳбариятига таклифлар киритиш;

Кенгаш фаолиятини оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда ёритиш ҳукуқларига эга.

Кенгаш қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа ҳукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Кенгаш ўз фаолиятини амалга оширишда:

жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиши;

ички ишлар органлари фаолияти билан боғлиқ қонун ва қонуности ҳужжатларида белгиланган чекловларга амал қилиши;

ички ишлар органлари ходимларининг ўз ваколатлари доирасида амалга оширадиган фаолиятига аралашмаслиги ва фаолият кўрсатиши учун тўсқинлик қилмаслиги;

фуқаролар ва ходимларининг оқ-юмуси ҳамда кадр-қимматини таҳқирлашга, уларнинг шахсий ҳаётига аралашинишга йўл қўймаслиги;

жамоатчилик назоратини амалга ошириш давомида олинган ахборотнинг, агар бундай ахборотни тарқатиш қонун билан чекланган бўлса, махфийлигига риоя қилиши шарт.

Кенгашнинг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

### **3-боб. Кенгаш таркибини шакллантириш тартиби ва аъзоларга қўйиладиган талаблар**

9. Кенгаш аъзоларининг сони чекланмайди ва унинг таркибига раис, раис ўринбосари, котиб ва аъзолари киради. Бунда, Кенгаш аъзолари сони ўн беш нафардан кам бўлиши мумкин эмас.

10. Кенгаш таркиби қуйидаги тартибда шакллантирилади:

а) Кенгашнинг учдан бир қисми тегишлича Ички ишлар вазири ўринбосари - Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти бошлиги ҳамда ҳудудий маънавий-маърифий ишларга масъул раҳбарлари томонидан соҳа ривожига катта ҳисса қўшган, шахсий таркиб орасида иззат-хурматта сазовор бўлган ички ишлар органларининг амалдаги ходимлари (ҳарбий хизматчилари), истеъфодаги фахрийлари, соҳа олимлари ва таълим муассасаларидаги эркин ёлланган мутахассислар орасидан мустақил равишда танлаб олинади;

б) Кенгашнинг учдан икки қисми республика миқёсида фаолият кўрсатаётган нодавлат ношароит ташкилотлари (Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган чет эл нодавлат ношароит ташкилотлари ваколатхоналари ва филиаллари бундан мустасно), оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига юборилган сўров хатларига мувофиқ тақдим этган номзодлар орасидан Ички ишлар вазири ва ҳудудий

ички ишлар органлари бошлиқларининг матбуот котиблари ва маслаҳатчиларининг биргаликдаги тавсиясига асосан Ички ишлар вазири ўринбосари - Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти бошлиғи ҳамда ҳудудий маънавий-маърифий ишларга масъул раҳбарлари томонидан танлаб олинади.

11. Кенгаш аъзоллигига номзодлар, қонда тариқасида, жамоатчилик фаолияти соҳасида катта амалий тажрибага эга обрў-эътиборли фуқаролар, шунингдек, нодавлат иттижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари бўлиши шарт.

12. Фуқаролик жамияти институтлари ўз вакилларини бир вақтни ўзида ҳам Вазирлик ҳузуридаги, ҳам номзод доимий истиқомат этувчи ҳудудда жойлашган ички ишлар органи ҳузуридаги Кенгашга аъзолик бўйича мазкур Низом талабларига мувофиқ тавсия этиши мумкин. Бироқ, битта номзоднинг бир вақтни ўзида икки ва ундан ортиқ Кенгашлар таркибига киритиш бўйича қарор қабул қилинишига йўл қўйилмайди.

Сўровномага жавоблар улар белгиланган манзилга етиб борганидан бошлаб камиди 15 (ун беш) кушлик муддат давомида Вазирлик Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлиналари (кейинги ўришларда – Ахборот хизмати) томонидан ёзма ёки электрон шаклларда қабул қилинади.

Тегишли ички ишлар органи раҳбариятининг кўрсатмасига, шунингдек кенг жамоатчилик фикрига асосан номзодлар тўғрисидаги маълумотларни қабул қилиш муддати 1 (бир) ойлик муддатгача узайтирилиши мумкин. Бувада, номзодлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этган ташкилот уларин тегишли раҳбариятга киритгунга қадар қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

13. Ахборот хизмати номзодлар тўғрисидаги маълумотларни тегишли қонунчилик ва мазкур Низом талаблари доирасида 15 кушлик муддатда ўрганиб чиқади.

Бунда, номзодга нисбатан суднинг қонуний кучдаги айблов ҳукми мавжуд бўлса ёки тегишли тартибда муомалага лаёқатсиз деб топишган бўлса, номзодни Кенгаш таркибига киритишга тавсия этилиши мумкин эмас.

14. Ўрганиш натижаларига кўра, ижобий тавсифланган номзодлар иштирокида 1 (бир) ойлик муддатда Кенгашнинг сайлов йиғилиши ўтказилиб, Кенгаш раиси, унинг ўринбосари ва аъзолари очик овоз бериш асосида бирламчи танлаб олинади.

15. Ахборот хизмати бирламчи шаклантирилган Кенгашнинг аъзолари тўғрисидаги маълумотларни келиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси ва унинг ҳудудий бўлиналарига юборади.

16. Тегишли тартибда келишилган Кенгаш таркиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ва ҳудудий ички ишлар органлари бошлиқларига тасдиқлаш учун киритилиб, фармойиш шаклида қарор қабул қилиш орқали 3 (уч) йил муддатта тасдиқланади.

17. Куйидаги ҳолатларда Кенгаш раиси, раис ўринбосари ва аъзолари унинг таркибидан чиқарилиши мумкин:

- Кенгаш таркибидан чиқиш тўғрисида ариза берилганда;
- Кенгашнинг мажлисларида мунтазам равишда иштирок этмаганда;
- мазкур Низомнинг 8-бандида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаганда;
- ўзига нисбатан чиқарилган суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганда;

вафот этганда, шунингдек, суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори асосида муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган ёки вафот этган деб топилганда;

ички ишлар органлари хизматидан салбий асосларга қўра бўшатиладиганда.

18. Кенгаш таркибидан чиқарилган аъзонинг ўрнига бошқа номзодни киритиш мақсуд Низомида белгиланган тартибда амалга оширилади.

19. Кенгашнинг таркиби тўғрисидаги маълумотлар ва унга киритилган ўзгаришлар улар тасдиқланган вақтдан бошлаб 10 (ўн) кун ичида ички ишлар органларининг расмий веб-сайтлари ва ижтимоий тармоқларида эълон қилинади.

#### **4-боб. Кенгаш фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби**

20. Раис Кенгаш фаолиятига умумий раҳбарлик қилади ва қуйидаги ваколатларга эга:

Кенгаш мажлисини чақиртириш ва кун тартибини белгилаш;

Кенгаш мажлисига раислик қилиш;

Кенгаш иш режаси, Кенгаш мажлисининг баённомаси ва иш юригувига оид бошқа ҳужжатларни тасдиқлаш;

Кенгаш қарорларининг бажарилишини назорат қилиш;

Кенгашнинг фаолияти тўғрисидаги расмий веб-сайтлар ва бошқа ресурсларда жойлаштириладиган маълумотлар бўйича таклифлар киритиш ва уни тегишли раҳбарият билан келишиш;

Кенгаш қарорларини бажариш масалаларида тегишли раҳбарият билан ҳамкорлик қилиш;

Кенгаш аъзоларига берилган топшириқлар ижросини назорат қилиш ва фаолиятини мувофиқлаштириш.

Раис Кенгашнинг самарали ишлашини таъминлаш мақсадида бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Кенгаш раиси йўқлигида унинг ваколатларини раис ўринбосари амалга оширади.

21. Кенгаш раиси ўринбосари:

раис йўқлигида Кенгашнинг мажлисларига раислик қилади;

Кенгаш қарорларининг ижросини назорат қилиш бўйича ишларни ташкил этади;

жисмоний ва юридик шахслар, уларнинг вакилларини қабул қилади, шунингдек,

Кенгаш фаолиятига тааллуқли муурожаатларни кўриб чиқиш бўйича ишларни ташкил этади;

Кенгашнинг самарали ишлашини таъминлаш бўйича бошқа тегишли ваколатларни амалга оширади.

22. Кенгаш котиби:

Кенгаш мажлисига керакли ҳужжатлар ва таҳлилий материалларнинг ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди;

Кенгаш мажлисини кун тартиби бўйича ўтишини ташкиллаштиради;

Кенгаш раиси билан мажлис ўтказиш муддати, жойи ҳамда таклиф қилинувчилар ҳақида маслаҳатлашади;

Кенгаш аъзолари ва таклиф қилинган шахсларни мажлис ўтказиш жойи, санаси ҳамда вақти ҳақида хабардор қилади;

Кенгаш қарорларининг бажарилиши мониторингини олиб боради ҳамда натижаларини Кенгаш мажлисида кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритади;



Кенгаш баённомаларини расмийлаштиради ҳамда тасдиқланган баённомаларни Кенгаш аъзолари ва бошқа манфаатдор шахсларга юборилишини таъминлайди;

Кенгаш ваколатига кирувчи мурожаатларни кўриб чиқади ва ҳал этилишини таъминлайди;

Кенгашнинг иш режалари лойиҳаларини тайёрлайди, кўриб чиқиш учун киритади ва тасдиқланган иш режасининг бажарилишини ҳамда ҳисоботларнинг ўз вақтида юртилишини таъминлайди;

Кенгаш томонидан берилган бошқа вазифаларни амалга оширади.

23. Кенгаш аъзоси унинг мажлисларида кўриладиган масалаларни муҳокама қилишда қатнашади. Агар Кенгаш аъзоси унинг мажлисларида қатнаша олмаса, ўз фикрини ёзма тарзда мажлис кун тартибига юбориши мумкин. Билдирилган фикрлар мажлисда кўриб чиқилади ва овоз берилда ҳисобга олинади.

Кенгаш аъзолари мажлисларда кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал қилишда ўз ваколатини бошқаларга ўтказиш ҳуқуқига эга эмас.

24. Кенгаш аъзоси:

ички ишлар органлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ва ички идоравий ҳужжатларни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

ҳодимлар ва уларнинг оила аъзоларини ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича Кенгашга таклифлар киритади.

25. Кенгаш аъзосига қуйидагилар таъқиқланади:

ваколатини амалга ошириш жараёнида воқиф бўлган ва сир тугилиши талаб этиладиган маълумотларни ошкор этиш;

ички ишлар органларининг жанговар ва сафарбарлик шайлигига оид масалалар, жанговар тайёргарлик тadbирларини, жанговар навбатчилик, жанговар хизмат, ички хизмат ва қоровуллик хизматини ташкиллаштиришга оид масалаларга аралашш;

мазкур Низомнинг 8-бандида назарда тутилган мажбуриятларга риоя этмаслик.

#### **5-боб. Кенгаш томонидан қарорлар қабул қилиш ва уларнинг ижросини амалга ошириш тартиби**

26. Кенгаш фаолиятининг асосий масалалари уларнинг мажлисларида кўриб чиқилади. Кенгаш мажлиси ҳар ярим йилликда камида бир мартаба чақирилади.

27. Кенгаш раиси ўз ташаббуси билан навбатдан ташқари мажлис чақириши мумкин.

28. Кенгаш мажлисига ички ишлар органлари ҳодимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, шунингдек белгиланган тартибда фуқаролар таклиф қилиниши мумкин.

Кенгаш мажлисига таклиф қилинувчилар рўйхати Кенгаш раисининг тегишли ички ишлар органи раҳбарияти билан келишуви асосида котиб томонидан шакллантирилади.

29. Кенгаш мажлисининг кун тартиби аъзоларнинг таклифлари ва раис топшириги асосида котиб томонидан ишлаб чиқилади.

30. Кенгаш мажлиси раис томонидан олиб борилади. Раис иштирок эта олмаган ҳолларда мажлисга унинг ўринбосари раислик қилади. Кенгаш мажлиси унинг аъзоларини учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

31. Кенгаш қарори мажлисда қатнашаётган аъзоларнинг кўпчилик овози билан қабул

қилинади. Агар овозлар тенг келиб қолса, Кенгаш раисининг овози ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

32. Кенгаш қарор қабул қилишда масалаларни эркин муҳокама қилиш, овоз бериш, жамоатчилик фикрини инобатга олиш, тенглик ва коллегияликка асосланади.

33. Кенгаш қарори тавсиявий характерга эга. Агар қарор Вазирлик ёки тегишли ички ишлар органи раҳбарияти томонидан маъқулланмаса, 15 (ўн беш) кунлик муддатда Кенгашга асослангиринган ҳолда жавоб юборилади.

34. Тезкор қарор қабул қилиш зарурати туғилса, Кенгаш қарори раис ташаббуси асосида Кенгаш аъзолари билан маслаҳатлашган ҳолда сўров йўли билан қабул қилиниши мумкин.

35. Кенгаш мажлисида қабул қилинган қарорлар баённома билан расмийлаштирилади. Баённома котиб томонидан имзоланади ва мажлисга раислик қилувчи томонидан тасдиқланади ҳамда уч кунлик муддатда Кенгаш аъзолари ва бошқа манфаатдор шахсларга юборилади.

36. Кенгашнинг ишчи органи ва котиби, аъзолари билан бирга Кенгаш қарорларини ижро этиш йўлларини тизимли ўрганиб, кўриб чиқади, зарур ҳолларда раисга таклифлар киритади.

37. Ишчи орган Кенгаш қарорларининг ижроси ҳақида белгиланган муддатда Кенгаш раисига маълумот тақдим этади.

#### **6-боб. Яқунловчи қондалар**

38. Кенгашнинг фаолияти мазкур Низом ва тегишли қонунчилик талабларига мувофиқ эканлиги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, унинг топшириғига мувофиқ ўринбосарлари ҳамда ҳудудий ички ишлар органлари бошлиқлари томонидан назорат қилинади.

Кенгашнинг фаол аъзолари Вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарияти томонидан қонунчилик ҳамда ички тартиб-қоидаларга мувофиқ рағбатлантирилиши мумкин.

39. Кенгаш фаолияти билан боғлиқ қарорлар устидан белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

40. Етарли асослар бўлган тақдирда Кенгаш таркибини тарқатиб юбориш, унинг фаолиятини тугатиш ёки қайта ташкил этиш тегишлича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ва ҳудудий ички ишлар органлари бошлиқларининг фармойишига асосан амалга оширилади.

41. Ушбу Низомда назарда тутилмаган масалалар тегишли қонунчилик ҳужжатлари ва ички тартиб-қоидаларга мувофиқ тартибга солинади.

42. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар тегишли қонунчилик ва идоравий ҳужжатлар талабларига мувофиқ жавобгар бўлади.

**Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлиналари ҳузуридаги  
жамоатчилик кенгаши намунавий  
ТАРКИБИ**

**Кенгаш раиси**

- Сайлов натижасига кўра* — Кенгаш таркибида ўзининг қатга ҳаётий ва касбий тажрибаси, юксак обрў-эътибори билан ажралиб турган, очик сайловда энг кўп овоз тўплаган Кенгашнинг аъзоси

**Кенгаш раисининг ўринбосари**

- Сайлов натижасига кўра* — Кенгаш таркибида ўзининг қатга ҳаётий ва касбий тажрибаси, юксак обрў-эътибори билан ажралиб турган, очик сайловда энг кўп овоз тўплаган Кенгашнинг аъзоси

**Кенгаш аъзолари**

- Раҳбариятнинг тавсиясига кўра* — Ички ишлар органлари ривожига қатга ҳисса қўшган, юксак иззат-ҳурматга сазовор бўлган амалдаги ходимлар (ҳарбий хизматчилари), истеъфодаги фахрийлар ва мутахассис-олимлар

- Раҳбариятнинг тавсиясига кўра* — Ички ишлар органлари ривожига қатга ҳисса қўшган, юксак иззат-ҳурматга сазовор бўлган амалдаги ходимлар (ҳарбий хизматчилари), истеъфодаги фахрийлар ва мутахассис-олимлар

- Раҳбариятнинг тавсиясига кўра* — Ички ишлар органлари ривожига қатга ҳисса қўшган, юксак иззат-ҳурматга сазовор бўлган амалдаги ходимлар (ҳарбий хизматчилари), истеъфодаги фахрийлар ва мутахассис-олимлар

- Фуқаролик жамияти институтларининг тавсиясига кўра* — Нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари

- Фуқаролик жамияти институтларининг тавсиясига кўра* — Нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари

- Фуқаролик жамияти институтларининг тавсиясига кўра* — Нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари

*Фуқаролик жамияти институтларининг тавсиясига кўра*

— Нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари

*Фуқаролик жамияти институтларининг тавсиясига кўра*

— Нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари

*Фуқаролик жамияти институтларининг тавсиясига кўра*

— Нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари

*Фуқаролик жамияти институтларининг тавсиясига кўра*

— Нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари

*Фуқаролик жамияти институтларининг тавсиясига кўра*

— Нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари

*Фуқаролик жамияти институтларининг тавсиясига кўра*

— Нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари

#### **Кенгаш котиби**

*Лавозимига кўра*

— Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси (бўлими) раҳбарияти

**Изоҳ:** Жамоатчилик кенгаши таркибидан чиқарилган аъзонинг ўрнига бошқа номзодни киритиш тегишли Низом талабларига мувофиқ амалга оширилади.